Стратегик ва минтақаларaро тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 20 (9.212) 1999 йил 19 февраль, жума ◆ Сотувда эркин нархда


## ДАВР САДОСИ

*Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «ДЭУ» компаниялари гуруҳининг раҳбари Ким У Жунгни қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг Молия ва хусусий секторни ривожлантириш департаменти директори Лаёш Бокрос раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

● Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга АҚШ Президенти Билл Клинтон, Франция Республикаси Президенти Жак Ширак, Украина, Туркия, Озарбайжон, Латвия Республикаларининг Президентлари Леонид Кучма, Сулаймон Демирэл, Ҳайдар Алиев, Гунтис Улманис ва бошқа бир қанча давлатларнинг ҳамда йирик фирма ва компанияларининг раҳбарлари Тошкент шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари натижасида бегуноҳ кишиларнинг ҳалок бўлгани муносабати билан ўзларининг чуқур қайғу ва таъзияларини изҳор этдилар. Таъзияномаларнинг келиши давом этоқда.

● Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси Ўзбекистон халқига, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга мурожаатнома йўллади.

● Ўзбекистон мусулмонлари идораси Ўзбекистон мусулмонларига мурожаатнома қабул қилди.

● Тошкент ва республика вилоятларида бўлиб ўтган йиғилишлар мамлакатимиз пойтахтида содир бўлган фожиали ҳодисаларга бағишланди.

● Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг ҳайъат мажлисида ушбу вазирлик бўлинмаларининг ўтган йилги фаолияти якунлари ва жорий йил вазифалари муҳокама қилинди.

● «Оқшом» муштарийлари билан навбатдаги мулоқот — 22 февраль куни, соат 16 дан 18 гача бўлади. Оқшомхонлар 133-99-42 рақамли телефонга қўнғироқ қилишлари мумкин.

### ЖАҲОНДА

● Кеча ГФР канцлери Герхард Шрёдер Москвага келди. Маълумки, у Европа Иттифоқи раиси лавозимини ҳам эгаллайди. Канцлер билан биргаликда Европа сармоядорлари ва саноатчиларининг катта делегацияси келди.

● Украина парламенти мамлакатнинг собиқ бош вазири, Верховная Рада депутати П. Лазаренкони ҳибсга олиш ва уни жиноий жавобгарликка тортишга розилик берди. П. Лазаренконинг ўзи ҳозирги вақтда Грецияда даволанмоқда. Унинг оиласи ҳам хорижга жўнаб кетди.

● Европа, Америка ва ҳатто Австралияда курдларнинг ўз етакчилари Абдулла Ўжоланни озод қилишни талаб этувчи оммавий норозилик ҳаракатлари давом этмоқда. Жаҳондаги бир қатор ахборот агентликларининг берган хабарларига қараганда беш нафар курд ўзини ўзи ўлдирган, уч нафар курд эса Берлиндаги Исроил консуллиги дарвозаси олдидаги тўқнашув чоғида немис полициясининг томонидан отиб ташланган.

## ҲАМИША ОГОҲ, ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК!

### Пойтахт жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши

Тошкент шаҳрида бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган террорчилик ҳаракати ҳар бир софдил кишиларнинг қалбида бекиёс ғазаб ва нафрат уйғотди. Ўша куни воқеа содир бўлган жойда Йўлбошчимиз Ислом Каримов қўпорувчилик қилганларнинг мақсади — халқимизнинг тинчлигини бузиш, қўрқитиш, юрагига ваҳима солиш, юритаётган сиёсатимизга ишончини сўндириш, амалга ошираётган улкан ишларимизга зарба беришдан иборат бўлган деб таъкидлаб, бизни ҳеч ким танлаган йўлимиздан қайтаролмайди, деб таъкидладилар. Президентимиз жойларда, хусусан маҳаллаларда, ўқув муассасалари, масжидларда, бошқа жамоат жойларида пойтахтда содир бўлган қонли воқеанинг туб моҳиятини кенг муҳокама қилиш, аҳоли ўртасида мустақилликни мустаҳкамлаш, тинч-осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиш, маънавиятни юксалтириш руҳидаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш лозимлигини алоҳида уқтирдилар.

Ўтган куни Тошкент бўлиб ўтган пойтахт жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши 16 февралда Тошкентда бўлиб ўтган қонли ва фожиали ҳодисаларга бағишланди. Ушбу йиғилишга пойтахт маҳаллаларининг оқсоқоллари, жамоат ташкилотларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг раҳбарлари, масжидларнинг имом хатиблари таклиф этилдилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов олиб борди.

Йиғилиш қатнашчиларига Президент Ислом Каримовнинг Тошкентда юз берган фожиали ҳодисалар муносабати билан сўзлаган нутқи видеотасмаси намойиш этилди.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раиси, муфтий Абдурашид қори Бахромов қурбон бўлганларнинг руҳи покларига Қуръон тиловат қилди.

Мамлакатимиз пойтахти Тошкентда қабиҳ ниятли кучлар томонидан амалга оширилган террорчилик ҳуружлари мустақиллигимизга, халқимизнинг осойишта ҳаётига, юртимиз хавфсизлигига таҳовуз қилишга қаратилган ёвуз уриниш бўлиб, бунинг оқибатида бир неча бегуноҳ юртдошларимиз ҳалок бўлишди. Юздан ортиқ киши жароҳатланди. Бу оғир мусибат ҳар биримизнинг, бутун халқимизнинг қалбига чуқур қайғу солди ва қўпорувчи кучларга нисбатан чексиз қаҳр-ғазаб уйғотди.

Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакилларининг йиғилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Зокиржон Алматов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов, республика «Маҳалла» жамғармаси раиси Шуҳрат Жалилов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Фозил қори Собиров, Самарқанд Дарбоза маҳалласи оқсоқоли Абдухалил Набиев ва бошқалар бу машъум ҳодиса ҳар бир юртдошимиздан ҳамиша огоҳ, сергак ва бахамжиҳат бўлишни талаб этишини алоҳида таъкидладилар. Маълумки, давлатимиз Йўлбошчиси юртимизда ёшларга алоҳида эътибор қаратилаётгани, ижтимоий ҳаётда бу табақанинг мавқеи оширилганини таъкидлаб, биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз, уларни ўзимиз тарбия қиламиз, вояга етказамиз. Чунки улар мустақил Ватанимизнинг, эркесвар халқимизнинг порлоқ келажаги учун меҳнат қилади, деб таъкидлаган эдилар. Пойтахт жамоатчилиги вакилларининг йиғилишида сўзга чиққан нотиқлар ёшларимизни миллий қадриятларимиз, истиқлол ғоялари, тарихий меросимиз асосида тарбиялаш муҳим ва долзарб вазифа эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Шу куни Алишер Навоий номидаги Санъат саройига, пойтахт жамоатчилиги вакилларининг 16 февралда юз берган фожиали ҳодисаларга бағишланган йиғилишига келганларнинг ҳар бирининг қалбидан Йўлбошчимизнинг «Танлаган йўлимиздан бизни ҳеч ким қайтаролмайди!» деб қатъият билан айтган сўзлари ўтди. Шунингдек, уларнинг ҳар бири қалбидан Президентимиз атрофига янада маҳкамроқ жипслашиш, юз берган фожиали ҳодисалардан етарли хулосалар чиқариш, ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлиш керак, деган эзгу мақсадлар ўтди.

Фаоллар йиғилишида Бош вазир ўринбосари Ҳамидулла Каромов сўзга чиқди.

Пойтахт жамоатчилиги вакилларининг йиғилишида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Нарзулла Жўраев, Абдулазиз Мансуров қатнашди.

*(Ўз мухбиримиз).*

**КЕЧА Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Тошкент шаҳридаги фожиали ҳодисалар муносабати билан Ўзбекистон Республикасида Мотам куни эълон қилинди.**

## ҚУРБОНЛАР ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ

1999 йил 16 февралда мамлакатимиз пойтахти Тошкентда қабиҳ ниятли кучлар томонидан террорчилик ҳуружлари оқибатида бегуноҳ ҳалок бўлган ватандошларимизнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига, ёру биродарларига ҳамдардлик билдирилиб, қурбонлар хотирасига ҳурмат бажо келтирилди.

Жумладан, кеча шаҳримизнинг бир қанча жомеъ масжидларида ҳалок бўлган ватандошларимизнинг жанозалари ўқилди.

«Минор» қабристонида Юнусобод туманидаги Аъзамхўжаев кўчаси, 14-уйда яшаган Фахриддин Набиевни сўнгги йўлга кузатиш — дафн маросими бўлиб ўтди. Унда қатнашган Тошкент шаҳар бош имом хатиби Абдуқодир ҳожи Мардон ҳожи ўғли маросимга йиғилганларга қарата шундай деди:

— Аввало атрофимиздаги даҳшатли фожиаларга шахсан мен имом хатиб сифатида, сизу ва бошқалар ҳам сабабчимиз, гуноҳкормиз. Чунки шу ўзимиздан чиққан зурриёдларимизни етарли тарбиялай олмадик. Биз имомлар ҳам, маҳалладагилар ҳам, инчунун барчамиз бу ишда масъул эдик-ку. Биз ҳар бир ҳолатлардан огоҳ бўлишимиз керак. Бундай ишларни Оллоҳни танимайдиганлар, охиратни ўйламайдиганлар қилади. Бу фожиа яна бир бор бизнинг мустақиллигимизни кўролмайдиган ғанимларимизга нисбатан ҳушёр ва огоҳ бўлишлигимизга чорлайди.

Дафн маросимида қатнашган Ҳамидулла ота Исматуллаев ўз фикрларини шундай баён этди:

— Биз маҳалладошлар қўшниларимиз нима иш билан шуғулланаяпти, уларнинг оилавий аҳволи қандай? Ана шулардан огоҳ бўлиб туришимиз керак. Халқимиз ўз истиқлолини, барқарорлигини севиб ардоқлашлари зарур. Рўй берган мусибат юртдошларимиз қалбида ғазаб ва нафрат туйғуларини уйғотди. Ўтганларнинг жойи жаннатда бўлсин.

* * *

Тошкентда уюштирилган террорчилик ҳаракатлари натижасида ҳалок бўлган бегуноҳ ватандошларимизнинг ўтказилган дафн маросимларида қатнашганлар Тошкентда истиқомат қилган ва шаҳид кетган Аъзам Абдуллаев, Бибисора Сиеёва, Геннадий Данилов, Юрий Бережной, Мирхалил Юсупов, Рустам Керимов, Шокир Юнусхўжаев, Муҳаммадиёр Советбоев, Абдувоҳит Азимов, Муҳаммад Хўжаевларнинг руҳи покларига ҳурмат бажо келтириб, уларни сўнгги йўлга кузатдилар. Илоҳим ҳаётдан бевақт кўз юмган ушбу юртдошларимизнинг охиратлари обод бўлсин, жойлари жаннатда бўлсин.

Шаҳид кетганларни дафн этиш маросимларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари иштирок этди. Улар марҳумларнинг қариндош-уруғларига, яқинларига давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг чуқур ҳамдардлигини етказдилар.

*(Ўз мухбиримиз).*

## МОДДИЙ ЁРДАМ

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 февралдаги фармойишига мувофиқ Тошкентда юз берган қўпорувчилик воқеалари натижасида ҳалок бўлганларнинг ҳар бир оиласига 100.000 (юз минг) сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

18 февраль куни Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари, маҳалла қўмиталар раислари пойтахтда ҳалок бўлганлар оилаларига ана шу моддий ёрдам пулини топширдилар.

*(ЎзА).*

## ҲИСОБ РАҚАМИ ОЧИЛДИ

**Тошкентда 1999 йил 16 февралда содир этилган фожиали воқеалар муносабати билан идоралар, муассасалар, меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, ҳайрия ташкилотлари, фуқаролардан шаҳид кетганлар оилалари ва жабр кўрганларга моддий ёрдам кўрсатиш истаги билдирилган кўпдан кўп таклифлар тушмоқда. Бу таклифлар ҳисобга олиниб, «Ўзуйжойжамғармабанк» давлат акционерлик банкининг Меҳнат бўлимида махсус хотира ҳисоб рақами очилди.**

**Идора, ташкилот, муассасалар, фуқаролар ўз маблағларини қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари мумкин:**

**Ўзбекистон давлат акционерлик «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Меҳнат бўлими, ҳисоб рақами 20204000300101163002, МФО 00423.**

*(ЎзА).*

# ПОЙТАХТ ҲАЁТИ: янгиликлар, воқеалар, муаммолар

*Ўзбекистон ва жаҳон*

## «ҲУСАЙН» ВА «ОСИЁ»НИНГ ЭЪТИРОФИ

***«Сизларнинг ота-боболаримиз қолдирган бой илмий-амалий меросни қайта тиклаб, асраб-авайлаб ва замонавий билимлар билан бойитиб соғлиғини мустаҳкамлаш йўлида қўллашингиз, ўз имкониятларингизга таяниб иш олиб боришингиз таҳсинга сазовордир». Бу сўзлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқ табобати академиясига йўллаган мактубидан олинди.***

Гап шундаки, ўтган уч йил давомида мазкур академияда уч шифобахш восита қайта тикланиб, ишлаб чиқила бошланди. Шулардан бири «Ҳусайн» (Ибн Синонинг исми) шарбати бўлиб, у қандли диабет билан оғриган беморларга шифо бўлади. Ҳозирда дунёда унинг ўхшаши йўқ. Иккинчи шифобахш восита «Осиё» дамламасидир. У жигар хасталикларини, хусусан жигар циррозини даволашда жуда самаралидир. Ҳолбуки ушбу хасталик шу пайтга қадар давоси йўқ деган ном олган эди. Ибн Сино эса унинг шифосини минг йил олдин айтиб кетган.

Яқинда ушбу шифобахш воситаларга француз мутахассислари юқори баҳо беришди. Жумладан, Франция саноатни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси Ўзбекистон халқ табобати академияси бошқарувининг раиси Муҳаммаджон Ҳамроевга Париж шаҳрида олтин медални тақдим этди.

Бугунги кунда Ўзбекистон халқ табобати академияси қадимий қўлёзмалар асосида ўзбек халқ табобатидаги унутилиб кетган тавсияларни қайта тиклаб ишлаб чиқариш, халққа етказиш борасидаги ишларни давом эттирмоқда.

**Мурод РАҲИМОВ.**

*Ҳамкорлик*

## СИФАТ ВА ИЗЛАНИШГА МУКОФОТ

***Тошкент шаҳар давлат «Дори-дармон» акциядорлик жамияти номиги «AIMC» қўмитаси президенти Мануэл Виллгомез Кортиндан хушхабар келди. Унда акциядорлик жамиятининг 1999 йилги сифат Халқаро олтин ва кумуш мукофотлари билан тақдирланганлиги айтилган эди.***

Маълумки, ушбу мукофотга бозор иқтисодиёти шароитларида ички бозорни айниқса муҳим маҳсулотлар билан тўлдиришга имкон берадиган янада самарали воситаларни излаш борасида зарур ташаббускорлик ва омилкорлик кўрсатган корхоналар ва ташкилотлар, фирмалар тақдирланадилар. «Дори-дармон» акциядорлик жамияти ана шу мукофотга муяссар бўлиб, Мехикого мукофотни тақдимот этиш маросимига таклиф этилдилар.

Шуни айтиш керакки, акциядорлик жамиятида ўзаро манфаатли шартномалар асосидагина эмас, балки маҳаллий хом ашё негизида дори-дармон воситаларини жойларнинг ўзида ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан дори-дармонларга бўлган танқисликни бартараф этиш йўлида барча саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

Ана шу саъй-ҳаракатлар қўмита томонидан муносиб баҳосини олди ва бу баҳо акциядорлик жамиятининг бундан буёнги фаолиятини янада ривожлантириш, унинг хорижий шериклар билан аҳолини энг яхши дори-дармонлар билан таъминлашдек ишдаги ҳамкорлик чегараларини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлади.

**(Ўз мухбиримиз).**

*Тадбиркорлик*

## БУЮМЛАР ТУРИ КЎПАЙДИ

***«Совпластитал» ўзбек—Италия қўшма корхонасида тайёрланадиган маҳсулотларнинг тури кўпайибгина қолмай унинг тармоғи ҳам кенгайиб бормоқда. Корхонага қарашли «МВМ» кичик қўшма корхона турли хилдаги тақинчоқлар, зираклар ишлаб чиқара бошлади.***

— Биз 1996 йилдан фаолият кўрсата бошлаган бўлсак тақинчоқларнинг ярим тайёр маҳсулотини Италиядан келтирар эдик, — дейди тижорат директори Олег Тригулов. — Ва бу ерда йиғилиб тайёр маҳсулотга айлантирилар эди. Бора-бора бу маҳсулот турини гуллар композицияси билан кўпайтирдик. Бу гуллар деворга осиладиган, стол устига қўйиладиган, турли хил ҳажмда бўлиб, улар асосан қўл меҳнати билан тайёрланади. Мана шуларга қўшимча тариқасида биз йўл ҳаракати қоидаларига асосланиб, йўл белгиларини қадоқлашга киришдик. Бу белгилар ҳам ўзига хос шаклда ва турли хил рангда ишлаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқараётган маҳсулотимизнинг барчаси халқ истеъмоли буюмларидир.

**Гулбаҳор МЎМИНОВА.**



*Ҳар бир тикаётган кийимларимда тикувчилик касбининг янги-янги сирларини кашф этаётгандекман.*

*Равиль Альбеков олган сурат.*

*Саноат*

## ЯНГИ МАҲСУЛОТ

***Ўзбекистон — Германия «Тезинтом ЛТД» қўшма корхонасида янги маҳсулот ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрилмоқда.***

Бу ерда хорижлик ҳамкорлар билан ўзаро маслаҳатлашиб, металл черепицалар ишлаб чиқаришга киришилди. Ушбу янги маҳсулот учун ажратилган сармояга Финляндиядан асбоб-ускуналар келтирилиб, ўрнатилди. Хом ашё эса Голландиядан олиб келинадиган бўлди.

Янги маҳсулот ишлаб чиқариш учун тайёргарликни хорижда ўтаб келган бир гуруҳ ишчилар март ойидан бошлаб ишга киришадилар.

**Мақсуд ОРИПОВ.**

*Шифокор огоҳлантиради*

## ГРИППДАН САҚЛАНИНГ!

***Грипп вирус сабабчи бўлган ҳамда юқори ҳаво йўлларининг яллиғланиши билан кечадиган юқумли касалликдир. Ушбу хасталикнинг манбаи фақат бемор одам ҳисобланиб, у касаллик сабабчиси бўлмиш вирусни аксирганда, йўталганда, сўзлаганда теварак-атрофга тарқатади.***

Бемор томонидан вирус касалликнинг 4-7 кунларига қадар ажралади. Грипп мавсумий касаллик ҳисобланиб, хасталик йилнинг совуқ фаслларида (куз, қиш) кўплаб қайд қилинади. Касалликнинг эпидемия тусини олиши 1,5—2 ой давом этади. Хасталик бир неча соатдан 1—1,5 кунгача давом этган яширин даврдан сўнг ўткир бошланади. Касалликнинг биринчи кунларидан беморнинг тана ҳарорати кўтарилади, уни қалтироқ босиш, бош оғриши, мушакларда оғриқ безовта қилади. Касаллик учун ёруғликдан қўрқиш, дармонсизлик, ўта терлаш, бош айланиши, иштаҳанинг пасайиши ҳам хосдир. Бемор одамнинг бурни битиб қолиши, у қуруқ йўталади, кўз шиллиқ қавати қизариб, кўкрагида оғриқ сезади. Грипп билан оғриган беморнинг лабларига, бурун катаклари атрофига учуқ тошиши мумкин.

Касалликнинг асоратлари сифатида зотилжам, томоқ, қулоқ пардасининг яллиғланиши кузатилиши мумкин. Грипп айниқса ёш болаларда оғир кечади. Ушбу хасталик билан оғриган беморлар айниқса ўрин режимига қатъий риоя қилишлари, кўп суюқлик (чой, морс, «Боржоми» суви қўшилган сут, мева шарбатлари) истеъмол қилишлари зарур. Гриппга қарши махсус даво сифатида ремантадин препарати буюрилади ҳамда бурун катакларига оксолин мазини суртиш ёки лейкоцитар интерферонни томчилаб юбориш тавсия этилади. Тумов аломатлари кузатилган беморлар бурнига 5 фоизли эведрин, санорин, нефтизин, галозолин каби дориларни томизиш яхши наф беради. Оғриқ қолдириш ва тана ҳароратини пасайтириш мақсадида фенальгин, антигриппин каби комплекс препаратларини тавсия этилади.

Айтиб ўтилган муолажа тадбирларининг барчаси шифокор назорати остида бажарилади. Касалликнинг оғир шакллари билан оғриган беморлар касалхона шароитида даволанишлари зарур.

Грипп профилактикасида беморларни дарҳол ажратиш ва касалликнинг енгил ёки ўртача шакллари билан оғриган кишиларни уй шароитида даволашни ташкил этишнинг аҳамияти катта. Хасталик эпидемия тусини олган ҳолларда беморларни қариндошлари томонидан кўришга келишлари чекланади. Болаларнинг ҳар хил байрамларга қатнашиши таъқиқланади. Беморларни парваришлаётган шахслар албатта 4-6 қаватли дока ниқобни тутмоқликлари даркор. Соғлом кишиларга касаллик кўпайган пайтда бурун катакларига оксолин мазини суртиш тавсия қилинади. Бемор ётган хонани шамоллатиб туриш ва ҳўл дезинфекция тадбирларини амалга ошириш зарур. Беморнинг ич кийими, у фойдаланган сочиқ, дастрўмоллар албатта қайнатилиши лозим.

Касалликнинг махсус профилактика тадбири сифатида кейинги йилларда эмдори (вакцина)дан кенг фойдаланилмоқда.

**С. БОБОХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти лабораторияси мудири.**

*Тадбирлар*

## ЧЕКСИЗ ХАЁЛОТ МАҲСУЛИ

***Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг «Бизнес олами» ўқув маркази, Алексей Назаровнинг тиббий маркази марказ тингловчилари ҳамда 88-мактаб ўқувчилари учун Ўзбекистон Бадиий академиясининг аъзоси Ғайрат Бойматов иштирокида ток-шоу ўтказилди.***

Ток-шоуда Вашингтондаги халқаро география жамияти аъзоси, Ўзбекистон геология музейи директори Р. Юсупов ва бастакор Солиҳ Абдусаломовлар қатнашдилар. Асарларида ўз оламини янги сайёраларнинг кўп ўлчамли коинотини яратувчи, оламларнинг вужудга келишини янгитдан тушунишни акс эттирувчи кўҳна қадриятлар ва иллатлар, ҳақиқий гўзаллик ва унинг турли-туман кўринишлари жудда ҳикоя қилувчи ток-шоу қаҳрамони — мусаввир Ғайрат Бойматовга «Нестле» корпорацияси маркетинг бўлими бошқарувчиси Пирс Клун томонидан махсус совға топширилди.

Томошабинлар орасидан ўзининг энг яхши саволлари учун 88-мактабнинг илмий бўлим мудири Г. Юдина соврин олишга мушарраф бўлди.

**Наргиза ПИРНАЗАРОВА.**

## ЖАВОҲИРЛАР САНДИҒИ

*Донишмандлар хазинасидан*

# МУНАВВАРЧЕҲРА ВА САРСАБИЛ ҚИССАСИ

**(Давоми. Боши газетанинг 14,17-сонларида)**

Паст-баландни сайр этиб, тоғу тош ва биёбонларни кезиб ва гоҳо шаҳарларни томошо қилиб юрур эрдилар. Шаҳзода ўзига дедиким, энди Эрон вилоятларини томошо қилиб, шоҳнинг ўрдасидин хабар олмоқ лозимдур, деди. Алқисса, шоҳнинг пойтахтига етдилар. Малика Мунаввարчеҳрадин эшитган сўзларига амал қилиб, Хожа Вафонинг уйини сўроғлаб юрур эрдилар.

Вақтики, Хожа Вафо малика Мунаввարчеҳрани шоҳнинг фармони бирлан ул шайхга (шоҳнинг пири) топшириб сафарга чиқиб кетиб эрди. Орадан маълум муддатлар ўтиб, бир кеча тушида хотини малика Зебочеҳрани кўрдики, малика паришондур. Хожа Вафо маликадин паришонлик сабабини сўради. Зебочеҳра дедиким: «Валлоҳи аълам Мунавварчеҳранинг бошига мусибат тушган кўринадур, анинг учун паришондурман деб жавоб берди. Хожа Вафо сесканиб уйғонди ва субҳон оллоҳ деб, ўрнидин туриб ўлтирди ва яна ўнг томонига ёнбошлаб, кўзи уйқуга кетди, яна туш кўрди. Тушида қизи Мунавварчеҳрани кўрди. Қиз Хожа Вафога айтадурки, эй меҳрибоним отам, мендан бир хабар олмассиз!? Хожа Вафо уйғониб кетди ва бетоқат бўлиб, тонг отгач сафар анжомларини созлаб, йўлга чиқди ва андак фурсатда ўз уйига етиб келди. Ҳаммадан аввал беш юз ашрафини олиб шайхнинг ҳузурига бориб, назрона деб унинг олдига қўйди. Шайх беш юз ашрафийга боқмасдан, қизинг кўр бўлсин, сен ҳам қизингдин бадтар бўлгин, бундоқ фоҳиша, ёмон заифа ҳаргиз бўлмагай, мени жонимдин безор айлади. Шоҳ эшитиб ул бадкирдорни пора-пора айлаб ташлади деб, Хожа Вафони ҳайдаб юборди. Хожа Вафо уйига келиб, хизматкорлардин воқеани сўради. Ул қадрдон надим барча саргузаштни бир-бир баён қилди. Билмасманким ул бегуноҳ бечорани аҳволи ул биёбонда нечук бўлди, иши не ерга етди, деб оҳлар тортди. Хожа Вафонинг кўзига олам қоронғу бўлди, дарди ичида юрур эрди. Кечалари нолалар бирлан ўтар эрди. Гоҳо-гоҳо қайин отаси шоҳнинг олдиға ҳам бориб келур эрди. Лекин малика ҳақида сўз очолмас эрди.

Малика Мунавварчеҳра ул чашма бошида бир кеча тунаб, яна отига миниб таваккални Ваҳҳоб ал-атётни карамиға айлаб борур эрди. Ҳар ерда сув бўлса бир кеча тунар эрди. Алқисса, биёбонларни кезиб борур эрди, йироқдин бир работ кўринди. Кун кеч бўлиб, шом яқин эрди. Бир-икки одам пешвоз чиқиб кўрдиларки, соҳиб жамол йигитдур. Дедиларки, эй барно йигит бул работ ёлғиз одамнинг жойи эмасдур. Мабодо таррор одамлардин сизга бир заҳмат етмагай, бул кеча бизларни қўшимизда истироҳат айланг. Бул работ бирлан шаҳарни ўртаси бирор тош йўлдур. Эрта бирлан етарсиз деб, хоҳлар-хоҳламасига қўймай қўшларига олиб бордилар. Малика кўрдики ўн кишидин кўпроқ ўғрилардур. Бул работни пойлаб ўлтирур эрдилар. Жойини топиб ёмон ишларни бунёд айлаб ноҳақ қон тўкиб кун ўткарар эрдилар. Бири туриб отни жойлади, яна бири ҳуржунни олди, маликани юқорига олдилар. Кўрдиларки, бир озода йигитдур, мўйлабидин нишона йўқдур, дедиларки неча кунлар базм айлармиз, деб шод бўлдилар. Малика замиридин огоҳ бўлиб бир амаллаб буларнинг домидин ҳам оллоҳ таолонинг инояти бирлан қутулмоқ керакдур деб ўзига оро бериб машъшуқалиқ бирлан май идишдин қўлга олиб косагул (пиёлагул) бўлиб, ҳар қайсисига бир рубоъий ўқиб пиёлада май сунди. Ул таррорлар тарабнок (шод) бўлиб оламға келмагандек бўлдилар. Малика Бағдоддин чиқарда бир-икки мисқол заҳарни азбаройи эҳтиёт шарт олғон эрди. Ул заҳардин пинҳона ул майга аралаштириб, карашмалар айлаб яна бир пиёладин май тутди. Ҳар ким уни нўш этди, охират йўлини тутди. Ул нобакорларни ҳаммалари беҳуш бўлдилар, маҳшар куни ҳушларига келсалар керак. Малика буларнинг шаъридин қутулиб, фориғалбол бўлди. Алқисса, бул кеча ҳам ўтди, субҳ вақти бўлди. Отга миниб шаҳар томон равона бўлди. Бир ерга келдики, бир қўйчи чўпон кўп қўйларни боқиб юрибдур. Ани олдиға бориб салом айлаб, отдин тушди. Ул чўпон дарҳол отни боғлаб маликани ўтқизиб меҳмон айлаб, олдиға бир коса сут бирлан беш-ўн дона қурут, икки-учта қотирма нон қўйди. Малика алардин танаввул айлаб тўйгач, чўпондин сўрадики, бу қўйларнинг эгаси кимдур? Чўпон дедики, Хожа Вафонинг гумашталариникидур, мен хизматкордурман деди. Малика дедиким, менинг отимни ва тўнимни олғил, чўпонлик либосларингни менга берғил, бул асрорни бирор кишига изҳор қилмағил. Чўпон миннатдор бўлиб либосларини маликага берди. Малика ўзига чўпон суратида оро бериб, чўпон бирлан видолашиб шаҳарга равона бўлди. Шаҳарга, кириб ўз уйига келди, қўлига супургини олиб аввал ташқарини то меҳмонхонагача супуриб тозалади. Уч-тўрт кунгача хизмат айлаб юрди. Хизмати Хожа Вафога ҳам шойиста бўлди. Хожа ҳар куни шоҳга салом бериб келур эрди.

Шаҳзода Сарсабил ва вазирзода қаландар кийимида шаҳар кезиб, Хожа Вафонинг уйини сўроғлаб топдилар. Улар хизматкорларга меҳмон эканликларини изҳор қилдилар. Хизматкорлар уларни меҳмонхонага олиб кириб ўткизиб, меҳмондорлик расмини бажо айладилар. Малика Мунавварчеҳра шаҳзодани кўриб Анваршоҳни ёдлаб оҳ-нолалар айлар эрди.

Хожа Вафо шоҳни олдиға саломга бориб эрди. Ўшал куни Бағдод шоҳидан ўн адал элчилар келиб, ҳадялар бирлан бир нома (хат) ҳам тақдим этдилар. Номани мазмуни мундоқ эрдики, эй биродар сизга маълум бўлсинки, бир ёлғиз кўзимни нури фарзандим бор эрди, бир сабабий билан кулоҳ ва жанда кийиб, қаландар бўлиб чиқиб кетди, ёши ўттиздадур, рангу рўйини ва қошу кўзини таркибини баён айлабдур. Агар ул вилоятларга қадам еткурса, албатта ани топиб, мулойим сўзлар бирлан насиҳат қилиб биз тарафга юборгайсиз, сиздин аллоҳ таоло рози бўлғай, нома тамом вассалом. Шоҳ бул сўзлардин огоҳ бўлиб, ул элчиларга неча одамларни ҳамроҳ айлаб дедиким, менинг қаламравимни истаб кўринглар. Агар шаҳзода мавжуд бўлса бул давлатхонага келтурғайсизлар. Мундин бошқа сўзни ўзим билурман деб ҳукм қилди. Хожа Вафо бул сўзларни билиб уйига келди. Хизматкорлар дедиларки, икки адад қаландар меҳмон келгандур. Қаландар десак шоҳларга ўхшар, агар шоҳ десак қаландардур деб, меҳмонлар олдиға олиб кирдилар, қаландарлар Хожа Вафога таъзим ва одоб бирлан салом бердилар, жавоб саломдин сўнг Хожа таҳамул бирлан сарҳисоб бериб кўрдики, ул Бағдодли шаҳзода бўлғай деб, хўб зиёфатга оро бериб, то ярим кечгача суҳбат қурдилар. Энди андак истироҳат айланглар деб чиқиб ҳарамға кирди. Бул кеча ўтди, эрта бирлан туриб нонушта қилингач, Хожа Вафо шоҳ олдига саломга борди. Хожа ўрнидин туриб арз айладиким, бул кеча каминанинг кулбасига қадам ранжида қилғайлар, икки нафар қаландар меҳмонимиз ҳам бордур, зиёда мақбул таъб-кўринадурлар. Бу сўзни эшитгач шоҳнинг кўнгли гувоҳлик бердики, бу албатта Бағдод шаҳзодаси бўлса керак деб. Шоҳ Хожа Вафога жавоб бердики, намоз шомдин сўнг борурмиз деб. Хожа меҳмонларни кутиб тараддудлар айлаб турди. Намоз шомдин сўнг шоҳ ўнга яқин одамлар бирлан келди. Хожа поёндоз ёзиб, сипар-сипар нақдиналар нисор айлаб меҳмонхонага ўткизди. Қаландарлар ҳам тавозеъ бирлан салом бердилар. Шоҳ навозишлар айлади. Шоҳ ўлтириб қаландарлар авзоини ва бошдан оёғигача зеҳн солиб, кўнглида дедиким, албатта Бағдод шаҳзодаси бўлғай деб, муқаррар айлади. Ҳар тарафдин сўзга солдилар, сўзлари ҳам шоҳонадур. Шоҳ бағоят хурсанд бўлиб Хожа Вафога буюрдики, бул анжуманда пирим ҳам бўлсалар деди. Хожа дарҳол киши юбориб ул шайхни ҳам ҳозир айладилар. Суҳбатлари тобора қизиб борар эрди. Ул чўпон андоғ хизматлар қилур эрдики, ҳар нечук одам бўлса ҳам шундоқ чаққонлик қилолмасди. То ярим кеча бўлди, шаҳзода Сарсабил дедики бизларни вилоятимиз расмида ҳар анжуманда бир воизнамо бўлур. Ул ўтганлар сўзидин сўзлар, бундан кишиларга панду насиҳатлар ҳосил бўлғай. Бул шаҳарларда бундай одам мавжуд эмас эркан деди. Подшоҳ билдики шаҳзоданинг кўнгли бир суханғўйни тилабдур. Ҳар томонга киши юборди, аммо суханғўй топилмади. Шул аснода малика чўпон ўрнидин туриб арз мақомида дедиким, мен ҳам билганимни десам бўлурму, деб хушхўйликлар айлади. Маликани овози шаҳзодага таниш кўринди, баданида титроқ пайдо бўлди. Подшоҳ маликага қараб, эй чўпон, ҳар нимаки билсанг сўзлагил, меҳмонларни дили хуш бўлсин деди. Малика пойгоҳдин жой олиб сўз бошлади, бир замонларда бир улуғ вилоятда бир подшоҳи олий шон бор эрди. Ул подшоҳга оллоҳ таоло бир неча ўғилни ўрнида бир қизни лойиқ кўрган эрди. Ҳусн-жамолда баробари йўқ эрди. Бир куни малика сайр айламоққа отасидин рухсат олиб, маофага ўлтириб, боғ томон равона бўлди. Қазойи илоҳий бирлан Чорсуга келганда бошқа вилоятдан тижорат учун келган бир савдогар йигитга кўзи тушди. Шу аснода маофанинг пардаси шамолда кўтарилиб Хожанинг кўзи маликага тушди. Икковлари бир-бирларига муҳаббат пайдо қилдилар. Маликанинг икки юзида ҳоллари бор эрди.

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлади.**
**(Давоми бор).**



*Беғубор ёшликнинг гашти бўлакча.*
*Равиль Альбеков олган сурат.*

*Ривоят*

# ШУКРОНА

Бир маҳаллада Ҳакимбой исмли йигит бор эди. Унинг ҳаёт кечиришида бошқалардан фарқ қиладиган жиҳатлари деярли йўқ. Ҳакимбой тириқчилик йўлида ҳаракат қилиб, иккита қўй сотиб олди. Қўйлари кўпайиб бештага етди. Ҳакимбойнинг рўзғорида соғин сигири ҳам бор эди. Рўзғори бинойидек, уйидан сут-қатиқ аримасди.

Бироқ Ҳакимбойнинг битта камчилиги бор эди. Унинг руҳиятида шукроналик одати йўқ. «Менинг битта сигир-бузоғим, бешта қўйим бор, айрим қўшниларимда шу ҳам йўқ-ку», деган гап унинг хаёлига ҳам келмасди. Бунинг устига Ҳакимбой деганимиз ҳалол-ҳаромнинг ҳам фарқига боравермасди.

Вақти етиб Ҳакимбойнинг маҳалласида қўни-қўшниларнинг қўйларида қандайдир касаллик тарқалди. Ҳакимбой айрим қўшниларининг ҳаром ўлган қўйларини шундоқликча кўмиб ташлаганларини эшитди. Ҳакимбой уйига келиб, қўйларидан хабар олсаки, унинг ҳам иккита қўйи ҳаром ўлиб ётибди. Ҳакимбой уларни кўмиб ташлаш ўрнига дарҳол терисини шилиб нимталади-ю гузарга чиқиб ҳаром ўлган қўйнинг гўштини арзонроққа сотиб келди.

Ҳакимбой туш пайтларида бозордаги ишларини битириб уйига қайтиб, беш-олти яшар қизчасининг касал ётганига гувоҳ бўлди. Хотини эса кўзёши қилиб, поликлиникадан келган шифокор, қизингизда заҳарланиш бор, деганини айтди. Қизчаси тушмагур кўчадан сомса олиб еган экан...

Ҳакимбойнинг миясига бир нима зириллаб урилгандек бўлди. Дарҳол гузарга чиқиб, сомсапазга ҳалиги пулни қайтариб берди-да, ҳали майдаланмаган ўз қўйларининг гўштини қайтариб олиб келиб, ҳовлисидан чуқур қазиб ерга кўмди...

Шу орада Ҳакимбойнинг бемор қизи шифокорлар қарови билан тузалиб кетди.

Шу воқеа сабаб бўлиб Ҳакимбой деганимиз ҳалол билан ҳаромнинг фарқига борадиган бўлди. Ҳаётининг тинч ўтаётганига, бошқа қўшнилари қаторида яшаётганига шукрона айтиб юришни ўзига одат қилди.

**Ваҳобжон ТОЖИЕВ.**

*Қатра*

# ОДОБСИЗ

Баланд сўрига қўнган зағизғон олазарак. Узун думини ликиллатиб, «ғақ-ғақ»лайди. Ҳовлида ўйнаб юрган Юсуфга қушнинг чиройи ёқиб қолди. Мендан чўчиб қочмасин, дея унга жимгина боқади.

Қуш оқ кўйлак устидан гўё янги қора нимча кийиб олган. Сайраганда гоҳ нимчасининг икки бағрини — икки қанотини кўтариб-кўтариб қўяди.

— Қанақа қуш бу? Чиройли экан. Ушлаб берсангиз боқардим. — Ёлворди Юсуф айвондаги кеннойисига.

— Ўтган куни кир совунни олиб қочувди, шу олғир, бетамиз. Кир кирлигича қолди. Совун ўзи камёб бўлса. Чиройидан нима фойда? Одобли бўлса майли эди, ишқибоз бўлиб боқсанг.

Юсуф кеннойисига бирон жавоб қилолмай қушни ҳайдашга тушди. У кимнинг ёнини олишни билмай қолганди.

**Ғани АБДУЛЛАЕВ.**

# СПОРТ — ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ

*Юртимиз фидойилари*

## ДОВРУҒИ ДУНЁГА ДОСТОН

*Статистика маълумотларига қараганда юқори малакали шахматчиларнинг аксарияти математикага мойил кишилар экан. Рустам Қосимжонов ҳам бундан истисно эмас. Унинг аждодларида математиклар озмунча эмас, ўзи эса ҳозирда ТошДУ математика факультетининг талабаси.*

Математикнинг ижоди ҳам рассом ёки шоирнинг ижоди каби дилрабодир: бўёқлар ёки сўзларнинг каби ғоялар йиғиндиси ҳам ички уйғунликка эга бўлиши керак. Математик ғоянинг биринчи синов боши — гўзалликдир. Яқингача баъзи бировлар риёзиёт — математикани севиш ва бу фанни ўзига эстетик равишда сингдира олиш қобилияти камдан-кам учрайдиган туғма фазилат бўлиб, шундай қобилиятли кишилар кам учрайди, деган фикрни олға суриб келардилар.

«Аслида риёзиётдек ҳаммабоп фаннинг ўзини топиш қийин. Кишилик жамиятида ёқимли куйдан лаззатлана билиш қобилиятидан кўра риёзиётни идрок этиш қобилияти кенгроқ ёйилган бўлса керак...», — деб ёзган эди машҳур инглиз математиги Годфри Гарольд Харди. У ўз фикрларини давом эттириб: «Маданияти юксалган ҳар бир мамлакатда шахмат ўйнайдиганлар жуда кўп, билимли кишиларнинг аксарияти шахмат ўйнашни билади. Ҳар бир шахматчи «чиройли» юриш ёки «чиройли» партияни қадрлай олиш қобилиятига эга. Айни вақтда шахмат ўйини муаммоларини «чиройли» деб ҳисобловчи ҳар бир киши математиканинг эстетик томонларини озми-кўпми тасаввур этаётгандек бўлади. Шахмат ўйини баайни математик қўшиқдир», — дейди.

Шахмат ўйнаётган кишини олий кибернетика системаси билан таққосласа бўлади. Ўргатилаётган кибернетика системаси модел бўйича кўпгина вариантларни олдиндан машқ қилган тақдирдагина конкрет вазиятдаги энг қулай хулосалар келиб чиқиши мумкин. Бу эрмак эмас, балки ўргатилаётган кибернетика системалари тараққиёти учун заруратдир.

Ҳозирги кунда жаҳон олимлари муҳим ҳаётий муаммоларни ҳал қилиб берадиган мукаммал математик алгоритмлар яратиш борасида ижодий изланишни давом эттираётган эканлар. Қулай модел сифатида шахматдан унумли фойдаланаётганликларини мамнуният билан таъкидлаб ўтиш керак. Лекин шахмат фақат математикадан иборат эмас. Унда санъат ва спорт элементлари ҳам мужассамки, булар ҳаммаси биргаликда шахматнинг умрини узайтириб келмоқда. Математикада икки карра икки доимо тўрт бўлади. Шахматда эса гоҳо 5, гоҳо 3 ҳам бўлиши мумкин. Инсоният заковатининг ажойиб мўъжизаларидан ҳисобланувчи шахматда мот деган тушунча бор экан, бу нарса тахтадаги моддий мувозанатни бузиб туриши муқаррар.

Мустақил мантиқий тафаккур мактаби деб тан олинган шахмат ижодиётида Рустамнинг дадил парвоз қилаётганига яқинда Голландияда ўтказилган супер турнир иштирокчиларидан жаҳон чемпиони Г. Каспаров бошлиқ юлдузлар сафида ёнма-ён бўлганлиги яққол мисолдир.

Рустам Қосимжоновнинг ўйин услуби ҳақида гап кетадиган бўлса шундай воқеани келтириш мумкин.

1997 йилги Ўзбекистон чемпионати Олий лига турнири поёнига етай деб қолган бир пайтда 2 пешқадам — жаҳон таснифи рўйхатида олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турган халқаро гроссмейстер Александр Ненашев билан халқаро мастер Рустам Қосимжонов ўзаро баҳсга киришди. Бу учрашув айниқса Рустам учун муҳим аҳамият касб этарди. Яъни у ютиб чиқса бир ўқ билан икки ўлжага эга бўларди: ҳам Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритарди, ҳам гроссмейстерлик учун белгиланган талабларни бажарарди. Тахтада фарзин гамбетининг айни замонда турли мунозараларга сабаб бўлаётган долзарб вариантларидан бири юзага келди. Қора доналарни сурган Рустам бир пиёдани қурбон қилиб сипоҳларни тезроқ жангга шайлади. Кетма-кет берилган зарбалар оқибатида оқ шоҳ рокировка қилолмай марказда қолиб кетди. Бундан моҳирона фойдаланган қоралар устма-уст шиддатли зарбалар кўмагида рақибни оғир аҳволга солиб қўйди. Натижада Ненашев 21-юришда таслим бўлганлигини билдирди. Кейинги уч учрашувни ҳам муваффақиятли ўтказган Қосимжонов 10 очко жамғаргани ҳолда республика чемпиони бўлиши билан бирга халқаро гроссмейстер унвонини олиш учун белгиланган талабни бажарди.

Ҳа, Рустам номи улуғ шахматчилар қаршисида тиз чўкмайдиган, доимий машғулотлар кўмагида ғалаба сари интилувчан шахматчидир.

Ўтган йили бир гуруҳ тарихчи олимлар ва журналистлар билан бўлган учрашувда муҳтарам Президентимиз суҳбат орасида довруғи оламни тутаётган шахматчи ва бўлғуси математик олим Рустам Қосимжоновнинг номини тилга олар эканлар ёш академикларимиз сафи мана шундай иқтидорли йигит-қизларимиз ҳисобига кўпайишини башорат қилгандай бўлдилар. Ўз ўрнида буни шахматимиз ривожига Йўлбошчимиз билдираётган ишонч белгиси сифатида эътироф этиш мумкин. Яқинда Голландиядан қайтган шахматчимизни бамисоли миллий қаҳрамон сифатида кутиб олиниши ҳам бежиз эмас.

Шундай қувончли онларда алоҳида таъкидлаш керакки, Рустам дастлабки шахмат сабоғини акаси Хуршиддан олган бўлса, уни спорт усталигига номзод даражасига олиб борган устози республиканинг энг кўп марта чемпиони бўлган спорт устаси Александр Грушевскийдир. Ўз навбатида Грушевский 40-йиллар ўрталарида Наманганда каминадан унча-мунча сабоқ олган, 50-йилларда эса республика чемпионлиги йўлида менинг асосий рақобатчимга айланган эди. Бинобарин, Рустам шогирдимнинг шогирди эканлигидан беҳад мамнун бўлсам ва фахрлансам арзийди. Рустам Қосимжоновни ғоз турғазган Тошкентдаги 15-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоаси келгусида яна кўплаб иқтидорли шахматчиларни тарбиялаб вояга етказишдан жамоатчилик умидвор.

Ҳа, олдинда Рустамни кўплаб нуфузли мусобақалар кутмоқда. Чунончи, кўп ўтмай у гроссмейстерлар турнирида қатнашиш учун Швейцарияга жўнайди, сўнгра тегишли тайёргарликлардан кейин Американинг Лас-Вегас шаҳрида ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионатида зўрларнинг зўри билан баҳс иштирокига отланади. Мамлакатимиз шон-шуҳрати ва орияти учун катта майдонлар сари интилаётган вакилимиз Рустам Қосимжоновга муваффақиятлар ёр бўлишини истаб қоламиз.

**Мамажон МУҲИДДИНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси шахмат федерациясининг вице-президенти.**

*Каратэ*

## ВАТАН ШУҲРАТИ ЙЎЛИДА

*Ўтган йил пойтахт каратэчилари учун ҳам омадли келди. Улар Ўзбекистон терма жамоаси таркибида ўндан ошиқ халқаро турнирларда Бразилияда кечган Жаҳон чемпионатида, Венгрияда ёшлар ўртасидаги Жаҳон кубоги баҳсларида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя этишиб, 9 нафарга яқин олтин медаллар шодасини Тошкентга келтиришди. Биз яқинда Тошкент шаҳар каратэ федерацияси президенти, II ДАН қора белбоғ соҳиби Шерали Сулаймонов билан ўтган йил натижалари, 1999 йил режалари, умуман бугунги, эртанги Тошкент каратэси ҳақида суҳбатлашдик.*

**— Айтингчи, пойтахт каратэчиларининг ўтган йилги натижалари қониқарли бўлдими?**

— Шуни айтишим керакки, мамлакатимиз каратэсининг пойдеври бўлган пойтахт каратэси ўтган йилда тажрибали иқтидорли мураббийларнинг саъй-ҳаракати, изланувчанлиги натижасида яхши натижаларга эришди. Жумладан, Бразилиядаги жаҳон чемпионатида Ҳусниддин Сапиев, 200 нафардан ошиқ каратэчилар орасида 4-ўрин билан кифояланди. Венгриядаги ёшлар ўртасидаги Жаҳон кубоги баҳсларида Ўзбекистон терма жамоаси 4-ўринни эгаллаганди. Ушбу ғалабага эришишда пойтахтлик Илҳом Каримов, Отабек Қосимов, Умид Мададқулов, Саидазиз Бурхонов, Жасур Абдуғаниев, Санжар Носиров, Фазлиддин Солиев каби ёшларимизнинг ҳиссаси катта бўлди. Бу борада мутасадди раҳбарларнинг эътиборини бизга яратилаётган шароитларни, шунингдек бевосита пойтахт ва туман ҳокимларининг нуфузли ташкилотларнинг қўллаб-қувватлашларини таъкидлаб ўтиш жоиз.

**— Демак, бугунги кунда пойтахт каратэчилари олдида муаммолар йўқ экан-да.**

— Нега? Биласизми, ҳаракат қилмайдиган, бирон бир натижани кўзламаган кишида муаммо ва камчилик бўлмайди деб ҳисоблайман. Шу жиҳатдан бизнинг ҳам ўзимизга яраша муаммоларимиз мавжуд. Албатта уларни бартараф этиш йўлида иш олиб бормоқдамиз.

**— Ўша муаммолар асосан нималардан иборат?**

— Энг аввало пойтахт каратэ федерациясининг жамғармасини мустаҳкамлаш ва ёш каратэчиларимизнинг тажрибасини ошириш учун турли-туман мусобақалар ташкиллаштиришни режалаштиргланмиз. Бундан ташқари каратэчиларимизни рағбатлантириш йўлларини ҳам қидираяпмиз. Тўғри, булар муаммолар эмас, кундалик ишимиз деб ҳисоблайман. Асосий вазифа бу спортчиларимиз куч-ғайратини Ватан шуҳратини ошириш йўлида бирлаштиришдан иборатдир. Бошқача айтганда ватанпарварлик туйғусини кучайтиришимиз керак. Шу билан бирга пойтахтимиздаги гавжум клубларни, тўгаракларни тартибга келтириш ҳам галдаги юмушларимиздан биридир.

**— Сиз бу юмушларни амалга оширишда кимга ва нимага таянасиз?**

— Бирдан бир таянчим бу қонунлар. Қолаверса, республика каратэ федерацияси, шаҳар спорт қўмитаси етакчи мураббийлар, каратэчилардир. Шу билан бирга Хўжамқул Хўжақулов, Темур Муҳамедов, Александр Попов, Артур Вагизов каби ўнлаб мураббийлар билан ҳар қандай ишни амалга ошириш мумкин. Булар Тошкент каратэсининг яловбардорларидир.

**— Бу йил каратэчиларни қандай мусобақалар кутаяпти?**

— Каратэчиларимиз олдида бу йил нуфузли мусобақалар турибди. Энг аввало жаҳон чемпионатларида кубок баҳсларида, биринчиликларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя этиш энг асосий вазифаларимиздан биридир. Бўлажак натижалар хусусида ҳозирча бирон гап айтиш қийин, ҳаммасини вақт кўрсатади. Лекин шуни ишонч билан таъкидлашим мумкинки, йигитларимизнинг ҳар қандай мусобақада зафар қучишига умид бор.

**Очил ҲАЗРАТОВ суҳбатлашди.**



*Қиличбозлик*

## САРАЛАШ МУСОБАҚАЛАРИ

*Тошкентдаги республика қиличбозлик спорт саройида қиличбозлик бўйича Ўзбекистон чемпионати давом этмоқда.*

Унда Тошкент шаҳридан ва пойтахт вилоятидан, Андижон, Фарғона ҳамда Қарши шаҳарларидан келган юздан зиёд спортчилар иштирок этмоқда.

Мусобақадан кўзланган асосий мақсад эса бу йилги ўтказиладиган халқаро турнирларда иштирок этувчи республика терма жамоасининг таркибини аниқлашдир.

**Отабек ЭШМАМАТОВ.**

# ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

*Шарқ дурдоналари*

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Одамлар одоб тўтиёсини ташқи ва ички кўзининг равшанлигини оширувчи сабаб деб билганлар ва бу қимматли оқ йўлнинг отлиғи бўлмай туриб иззат ва ҳурмат мартабасининг идрок каъбасига етмаганлар.

***Саодат мулкининг йўлида доим бехатар юргай,***
***Одобнинг хассаси бўлса кишининг қўлида ҳар дам!***

● Ҳар ким хиёнат ва эгрилик уруғини экса, ундан омонли ҳосили чиқмаслиги муқаррардир.

● Оталарнинг ўз фарзандларига нисбатан бўлган муҳаббат қасри асосларидан бири — бутун куч ва қувватларини фарзандларининг фаросат, камолот билан безатиб, уларнинг вужудини касбу ҳунар либоси билан кийинтирмоқликларидан иборатдир.

**Бархурдор ибн МАҲМУД.**

● ҲИКМАТ. Ҳар ким ўз қариндош-уруғларидан яхшилигини аяса, ундай одамдан яхшилик кутиб бўлмайди.
Байт:
***Яхшиликни кўрмаса қариндошига раво.***
***Ундайлардан одамлик кутмоқ эрур норавo!***

● Бир киши бир улуғ одамдан сўради: «Ака-ука дилга яқинми ёки дўст?» У деди: «Ўз ака-укам садоқат йўлини тутгандагина дилимга яқин». Байт:
***Дўст бўлмаса яқинларинг кечгил улардан,***
***Бегоналар меҳр қилса дўст тут уларни.***

● ҲИКМАТ. Оғирчилик ва ғамгинликда қурилган оқил суҳбати базм ва ишратда ўтказилган жоҳил суҳбатидан афзалдир.

**Муиниддин ЖУВАЙНИЙ.**

● Ҳакимларнинг айтишича, ҳар ким бадавлатлик пайтида дўстларга ёрдам қўлини чўзмаса, бечоралик пайтида ҳеч ким унга ҳам қўлини чўзмайди. Сўрадилар: «Дўст ким?» Жавоб берди: «Оғир кунларда қўллаган киши!».

● Энг ақлли киши шундай кишики, у ўз нафсига ҳокимлик қила олади. Тириклигида у шундай бир иш қиладики, бу қилган иш ўлгандан кейин ҳам уни тириклар қаторида олиб юради. Энг аҳмоқ одам шундай одамки, нафси қаёққа бошласа ўша ёққа кетаверади. Ўлганимдан сўнг одамлар мени кечиради, деб ўйлайди.

● Кишиларга зийнат берадиган нарса бу — камтарлик! Энг яхши хислат эса хушфеъллилкдир. Ҳар кимнинг қадри билимига яраша бўлади.

***«Махзан ал-улум»дан.***

● Азизим, сафардан кўп тажрибалар ҳосил бўлади ва беҳисоб фойдалар қўлга киради, деб эшитган эдим мен. Менда ўша тажрибалар ҳосил бўлди. Энди то ҳаёт эканман бошқа сафар қилиш ҳақида ўйлайман. Байт:
***Ғарибликни энди ҳавас қилмайман,***
***Дўстлар дийдори-ла бўлиш кўп хушдир.***

● Азизим, ёронлар фироқининг дарди ва дўстлар ҳижронининг ранжи энг оғир дардлардан бири. Маълумки, олам ичини сайр этиш ва инсоният яратган боғларни томоша қилиш севикли дўстлар ва хуррам рафиқлар билангина ёқимлидир.

● Инсонни унинг лисони, яъни тилидан синамоқ керакки, ҳикматларда: «Одамнинг кимлигини либосидан эмас, тилидан билинг!» дейилади.

**Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ.**

● Айтишларича бир араб саркардаси бор эди. Қариб қолишига қарамасдан унинг дилида ҳамон шижоати йўқолмаган эди. Бир куни отга минмоқчи бўлди. Икки киши келиб, унинг қўлтиғидан олиб, отга зўр-базўр миндириб қўйдилар. Улардан бири таъна қилиб: «Отга зўрға миндириб қўйдигу, унинг қўлидан нима иш келарди? — деди. Буни эшитган саркарда унга қараб: «Ҳа, отга икки киши миндирди, аммо уни минг киши ҳам тушира олмайди!» — деди.

Буни эшитиб турган Анушервон унга таҳсин ўқиди ва деди: «Ҳа, у рост айтади, қўл юрак қувватига тобедир, унинг юрагида ботирлик кучи бор!»

● ҲИКОЯТ. Ардашер Бобак ўз юртини адолат зийнати билан безатган эди. Бир куни у ўз ўғлининг ғоят қимматбаҳо кийимлар кийиб олганини кўрди. Уни олдига чақириб: «Ўғлим, киши шундай либос кийсинки, бундай либос ҳеч бир хазинада бўлмасин!» — деди. Ўғли ундан «Эй, ота, у қандай либос, нимадан қилинади?» — деб сўради. Отаси унга: «У шундай либоски, матоси яхши хулқ ва яхши ишдир, ипи эса муроса ва сабрдан бўлади!» — деди. Байт:
***Доимо яхшидир ишбилармонлик.***
***Муроса ҳам доим яхшидир аммо.***

**Абулбаракот ҚОДИРИЙ.**

● Буқрот ўз шогирдларига насиҳат қилиб дерди: «Баттар фақир бўлмай десангиз, мол йиғишга харис бўлманг. Молу амвол ғаму андуҳнинг кўзидир. Адолат энг яхши нарса. Чунки у жамики яхшиликни мужассам қилган!

***«Жовидони хирад»дан.***

**Форс, араб, турк тилларидан**
**Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.**



*Илмга интилувчан ўқувчиларимнинг кўплигини кўрдингизми?*
*Равиль Альбеков олган сурат.*

*Маслаҳатлар*

## РЎЗҒОРДА АСҚОТАДИ

● Оилада ҳар қандай ҳолат бўлиши мумкин. Айниқса музлатгичнинг ишламай қолиши. Бундай вақтда опа-сингилларимиз ҳушёр бўлиб, энг аввало гўштга эътиборни қаратишлари керак. Музлатгичдан олинган ёки янги олиб келинган гўштни дарров йирик-йирик қилиб илиб қўйса бўладиган қилиб тилимларга бўлиб, намакоп сувда ювилади. Ҳар қайси тилимга майда туз сепиб, кечки салқин тушиши билан ипга тизилади. У эрта тонггача шабадада туради. Кейин тоғорага йиғиб олиниб, юзига дока ёпиб салқин ерга қўйилади. Бу ҳолат икки-уч кун такрорлангач, гўштнинг сирти қотади ва бузилмайдиган ҳолга келади.

## ТУХУМНИ ТУЗЛАШ МУМКИН

● Тухумни тузлаб, ҳамма ҳам фойдаланиб кўрмаган бўлса керак. Чунки бундай ҳолатга дуч келмаган бўлишимиз мумкин. Шунинг учун ўрганиб қўйсак халал бермайди.

Истеъмол учун олиб келинган тухумлар чўтка ёрдамида яхшилаб ювилади. Шунда сиртидаги ифлослар кетиб, майда тешиклар орқали ичига микроб кириб қолиши хавфи йўқолади. Шундан сўнг тухумлар сирланган кострюлка ёки челакка териб чиқилади-да, устидан совуқ намакоп қуйилади. 1 литр қайноқ сувда 300 грамм туз эритилган намакоп хона ҳароратида совутилади. Бундай тухумни истеъмол қилганда туз ишлатмаса ҳам бўлади.

**Гулбаҳор МЎМИНОВА тўплаган.**

*Ажойиботлар*

## НИМА УЧУН — МИЛЛИОН ДОЛЛАР

***Франциялик 19 ёшли официант миллионерни кулдириб бир зумда 1 миллион доллар ишлаб топди.***

Воқеа бундай бўлган эди. Официант Поль Шубер мижозларга хизмат кўрсатаётиб, 30 ёшли бир миллионернинг ким уни тез кулдира олса, миллион доллар тўлашини эшитди. Шунда у бор маҳоратини ишга солишга ҳаракат қилди ва миллионер Али Саха дўстлари билан ўтирган стол олдига келиб қоғозни салфеткани ея бошлади. Қоғозни еяр экан, Полнинг юзлари шундай ўзгариб кетдики, буни кўрган миллионер кулгидан ўзини тутиб тура олмади. Полнинг чўнтаги эса миллион доллар билан бойиди.

## ЭНГ ТЕЗКОР КОМПЬЮТЕР

***Дунёда энг тез ишлайдиган компьютер Американинг IBM корпорацияси томонидан яратилди.***

Бу компьютер бир дақиқа давомида 3,9 триллионта операцияни бажара олади. Ушбу суперкомпьютер АҚШ ҳукумати талаби билан яратилди. Мутахассисларнинг таъкидлашларига кўра бу суперкомпьютер Америка давлати конгрессининг кутубхонасида мавжуд бўлган 17 миллион дона китоб саҳифаларини хотирасида сақлай олади.

**Дилноза ҒИЁС қизи тайёрлади.**

*Бўш вақтингизда*

## БОШҚОТИРМА

**ЭНИГА:** 1. Осмонга кўтарилиш, учиш. 4. Ёнғоқ. 7. Олма экилган майдон. 9. Ғайрат, жўшқинлик. 10. Марҳум хотирасига ўтказиладиган маросим. 11. Изғириқ, қорли уюрма. 12. Йирик адабий асарнинг катта бир бўлаги. 16. Ғам-ҳасратдан тўлиб тошган, аламли. 19. Чироқ нурининг гирди капалаги. 21. Қурувчилик асбоби. 22. «Кўп» маъносини англатувчи сўз. 23. Табиат ҳодисаси. 25. Нашрларни олишга олдиндан аъзо бўлиш. 26. Оммавий транспорт воситаларидан бири. 31. Россия империясининг охирги сулоласи. 35. Ширинлик. 36. Хушрўй, нозанин қиз. 37. Жаннат ва дўзахни бошқарувчи малак. 38. Ҳиндча, қизлар исми. 39. Оммавий ўйин кулги.

**БЎЙИГА:** 1. Қандолатчилик маҳсулоти. 2. Қизғаниш. 3. Айбдор, жавобгар. 4. Цирк томошалари майдони. 5. Сотқин. 6. Ёлғиз оёқ йўл. 8. Етук ўзбек актёри. 13. Жамият ҳаётидаги тубдан ўзгариш. 14. Мўйнали гўзал жонивор. 15. Тайёр қолип, намуна. 17. Ёлланма деҳқон. 18. Қатағон йиллари қурбони бўлган ўзбек, давлат арбоби. 20. Таркиби турлича қоришиқ. 24. Дон экини. 25. Қурувчилик мутахассиси. 27. Ор-номус. 28. Байрам олди кун. 29. Кундалик егулик. 30. Азамат, қўрқмас. 32. Планета. 33. Наркотик модда. 33. Замонавий эстрада гуруҳи.

**Бошқотирмани**
**Фаёз АБДУҚАҲҲОР**
**ўғли тузган.**




Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.*

Буюртма Г-094.
Босмага топшириш вақти 11.30
1 2 3 4 5 6